

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

653 Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий марказини давлат томонидан қўллаб-қувват-
лаш чора-тадбирлари тўғрисида

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) янгиланган тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин, унинг ходимларининг чекланган умумий сони 34 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари — 26 нафар этиб белгилансин.

2. Молия вазирлиги Марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш учун Марказга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 2-иловага мувофиқ маблағ ажратсин.

3. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Марказни белгиланган тартибда локал тармоқ ва Интернет тармоғи билан таъминласин.

4. Белгилансинки, Марказ директорининг ўринбосари ва бўлим мудирларига тиббий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббиёт-санитария бирлашмаси муассасаларида амалга оширилади.

5. Марказнинг директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-

масининг 2006 йил 26 апрелдаги 180-ф-сон фармойиши билан тасдиқланган «Тошкент» аэропортининг VIP залида бепул асосда хизмат кўрсатилиши ҳуқуқига эга бўлган Дипломатик миссияларнинг мансабдор шахслари ва ходимлари тоифалари рўйхатига (1-рўйхат), директорнинг ўринбосари эса — «Тошкент» аэропортининг VIP залида пулли асосда хизмат кўрсатилиши ҳуқуқига эга бўлган Дипломатик миссияларнинг мансабдор шахслари ва ходимлари рўйхатига (2-рўйхат) киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1996 йил 13 ноябрдаги 399-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 11-сон, 32-модда), шунингдек қарорга 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 11 декабрь,
326-сон

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг
ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 11 декабрдаги 326-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий
марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш
ТАДБИРЛАРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Харажатларнинг ҳисоблаб чиқилган суммаси (млн сўм)	Масъул бажарувчилар
1.	Мебель ва идора анжомлари билан жиҳозлаш	100,0	Молия вазирлиги, Миллий марказ
2.	Компьютерлар ва ташкилий техника билан жиҳозлаш	50,0	Молия вазирлиги, Миллий марказ
3.	Иккита енгил автомобиль сотиб олиш:		Молия вазирлиги, «Ўзавтосаноат» АК, Миллий марказ
	«Малибу»	100,0	
	«Ласетти»	59,0	
Ҳаммаси		309,0	

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 11 декабрдаги 326-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 сентябрдаги 403-ф-сон фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббиёт-санитария бирлашмасининг 1-марказий поликлиникасида тиббий хизмат кўрсатилиши керак бўлган лавозимлар рўйхатининг V бўлимида (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 28 октябрдаги 504-ф-сон фармойиши таҳририда) биринчи ва иккинчи сатрлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази			
Директор	1	3	4
Директорнинг ўринбосари	1	3	4
Бўлим мудири	7	7	14

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 апрелдаги 180–ф-сон фармойишида:

а) «Тошкент» халқаро аэропортининг алоҳида муҳим йўловчиларга хизмат кўрсатиш зали тўғрисидаги низомга илованинг 1-рўйхати 5-бандига қўйидаги мазмундаги 5.10-кичик банд қўшилсин:

«5.10. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори»;

б) «Тошкент» халқаро аэропортининг алоҳида муҳим йўловчиларга хизмат кўрсатиш зали тўғрисидаги низомга илованинг 2-рўйхати 4.6.4-кичик бандидаги «Директор» сўзи «Директорнинг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.